

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.1.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

ЗОКИРОВ САЙИДФОЗИЛ САЙИДАКБАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

УЎК: 332.1(575.1)

Иктисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси авторферрати
мувларижаси

Оглавление авторферрата диссертации доктора экономических наук
(DSc)

Content of dissertation abstract of Doctor of Science(DSc) on economical
sciences

Зокиров Сайидфозил Сайидакбарович

Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини тартибга солиш тизимини
такомиллаштириш..... 3

Зокиров Сайидфозил Сайидакбарович

Совершенствование системы регулирования процессов урбанизации в
Узбекистане..... 38

Zokirov Sayidfozil Sayidakbarovich

Improvement of the system of regulation of urbanization processes in
Uzbekistan..... 73

Эъюн қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 78

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИКТИСОДИЙ ТАРАККИЁТ ВА
КАМБАГАДЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДЖИКОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.184.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДЖИКОТЛАР
ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ САЙИДФОЗИЛ САЙИДАКБАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.12 – Милатақавий иқтисодиёт

Иқтисодий фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.DSc/Id215** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси **Прогнозлаштириш ва мақомлиқисосий тадқиқотлар институтида** бақарилган.

Диссертация аннотацияси уч тилда (**Ўзбек, рус, инглиз**) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.fing.uz) ҳамда **"Ziyoue"** Аxbорот-таълим порталида (www.ziyoue.com) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Содиқов Авазбек Мадаминович
иктисодий фанлари доктори

Расмий оловонентлар:

Маматқулов Абдурашид Воҳидович
иктисодий фанлари доктори, профессор
Ахмадпиев Юсуф Исмаилович
география фанлари доктори, профессор
Қолеров Абдурашид Маъжидович
иктисодий фанлари доктори, профессор

Етабон ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодий университети

Диссертация ҳомиеси **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тароққий ва қамбағилликни қисқартриш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва мақомлиқисосий тадқиқотлар институти** хузуридаги илмий даржадор берувчи **DSc.14/30.12.2019.184.01** рақамли илмий кенгаш **2021 йил 2-сентябр** даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, **Навоий кўчаси, 30-уй**, Тел.: (99877) 244-01-17, e-mail: info@fing.uz, exam@fing.uz).
Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тароққий ва қамбағилликни қисқартриш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва мақомлиқисосий тадқиқотлар институтининг** Аxbорот-ресурс марказида танишми муомили **Id** рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, **Навоий кўчаси, 30-уй**, Тел.: (99877) 244-01-17, e-mail: info@fing.uz, exam@fing.uz).

Диссертация аннотацияси **2021 йил 22-сентябр** кунин тарқатилган.
(2021 йил 22-сентябр даги **7** рақамли реестр баёномаси)



Т.М.Азмодов
Илмий даржадор берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Ш.Х.Оттабон
Илмий даржадор берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, PhD

З.У.Бердиқазаров
Илмий даржадор берувчи кенгаш қозғалди илмий сессиялар раиси, иқтисодий фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ҳар бир давлатнинг сийёсий, иқтисодий-иқтисодий ва маданий-иқтисодий ҳаётида, жамиятда рўй бериётган ўзгаришлар ва сифат ўзгаришларида урбанизациянинг таъсири беқисс. Зеро, бутун дунёда кишилар нш топиш, яшаш шaroитини яхшилаш ва фарзандлари келажакни таъминлаш мақсадида қишлоқлардан қўчиб келиётгани туфайли шаҳарлар жадал ўсиб бормоқда. Айниқса, "Шаҳар инқилоби" деб ном олган XX асрда урбанизациянинг ўсиш суръати ва миқёси юксалди, иқтисодий ўзгаришларга таъсири мислсиз даражада ортди. Агар 1900 йилда дунё аҳолисининг 13% шаҳарларда яшаса бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 55% дан ортиқкин ташкил этди. Шаҳарлар – иқтисодий ўсиш манбаи ҳамдир. "Турли мамлакатларда шаҳар кўламининг 2 марта ошishi корхоналар ишлаб чиқариш самаралорининг 3 дан 8% гача ўсишига олиб келади"¹. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шаҳарлар кўламинини кенгайтириш орқали юқори иқтисодий ўсишга эришиш мунтакавий иқтисодий сийёсатининг муҳим йўналишини эканини кўрсатмоқда.

Урбанизация жараёниларида "жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини қамраб олишнинг комплекс ривожлантиришини тартибга солиш"² муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, урбанизация кўламинини янада ошириш орқали мамлакатда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, янновацияни қоллар ва технологияларини амалга ошириш кенг жорий этиш, иқтисодий раҳобат муҳитини шакллантириш имкониятлари юзага келади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда урбанизация ривожлантириш давлати иқтисодий-иқтисодий сийёсатининг муҳим йўналишидан бирига айланди. Бунда аҳолининг уй-жой таъминотини яхшилаш, бунинг учун ипотекаши кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмиларини қўллаш, аҳоли пунктларини муҳандислик, транспорт ва иқтисодий инфратузилмалар билан таъминлаш, йирик шаҳарларга туташ бўлган ва қулай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармогини кенгайтириш масалалари устувор вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга, бу соҳада бир қатор муаммолар ҳам сақланиб қолимоқда. Саноят ва инфратузилма объектлари барқарор ривожланишини таъминлаш учун молиявий ресурслар ва шаҳарлар ҳомиликларини вақолатлари чекланганлиги; ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари ва мейёрий-ҳуқуқий асосларининг замонавий талабларга мос келмаслиги; шаҳарлар, айниқса катта ва йирик шаҳарлар аҳолисини сонини ҳисобга олиш бўйича статистик ҳисоботларда ҳаттоликларнинг мавжудлиги ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Бу каби муаммоларнинг самарали ечимни бўйича илмий асосланган аниқ тақлиф ва

¹ Rosenthal S., Strange W. Evidence on the nature and sources of agricultural economies // Handbook of Regional and Urban Economics. - North Holland, 2004. - V. 4.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон «Урбанизация жараёниларини тубан таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. <http://lex.uz/acts/doc/154833>

таъсиялар ишлаб чиқиш – иктисодиёт фани олдда турган устувор вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон «Урбанизация жараёнини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 декабрдаги ПК-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макрониксодий кўрсаткичлари пронози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 декабрдаги ПК-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макрониксодий кўрсаткичлари пронози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 332-сон «Жиззах вилоятда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синов кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 18 январдаги 48-сон «Ўзбекистон Республикасида «Ақли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда 2019 йил 5 июлдаги 461-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика хулудларида «Business City» замонавий индустриал-марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПК-3895-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертацияни иши муайян даражада хизмат қилди.

Ташкилотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация ташкилот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни мазнавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Урбанизация жараёнини давлат томонидан тартибга солишининг иктисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, UN-habitat, The International Organization for Migration, Urban Institute (AQSH), Berlin Institut für Bevölkerung und Entwicklung (Германия), Атроф-муҳит тадқиқотлари маркази, "Шаҳар ва минтақавий тадқиқотлар" илмий гуруҳи (Helmholtz-Zentrum für Umweltforschung, Working Group "Urban and Regional Research", Германия), Каберслеутери техника университети, "Шаҳарларни режалаштиришнинг халқаро тизимлари" кафедраси (TU Kaiserslautern, Department International Planning Systems, Германия), Колумбия университети, Архитектура ва шаҳарларни режалаштириш Олий мактаби (Columbia University, Graduate School of Architecture, Planning and

Preservation, AQSH), Massachuset технология институту, Шаҳар тадқиқотлари ва режалаштириш кафедраси (MIT, Department of Urban Studies and Planning, AQSH), Колорадо университети, шаҳарларни режалаштириш ва дизайн факультети (University of Colorado, Planning and Design Faculty), Тафтс Университети, шаҳарларнинг экологик субсати ва режалаштириш кафедраси (Tufts University, Department of Urban and Environmental Policy and Planning, AQSH), Кент Университети, Кливленд шаҳар дизайн Маркази (Kent State University, Cleveland Urban Design Collaborative, AQSH), Минтақавий тадқиқотлар ва шаҳарларни режалаштириш институту (Россия), шунингдек, мамлакатимизда Прогнозлаштириш ва макрониксодий тадқиқотлар институту, Ўзбекистон миллий университети ва бошқалар томонидан амалга оширилмоқда.

Урбанизация жараёнини тартибга солишга оид жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда бир қатор, жумладан қуйидаги илмий вазифалар олинган: ривожланиётган давлатлар шаҳарларида қашшоқликни пасайтириш, ичмлик сув таъминотини яхшилашни иктисодий ўсиш суръатини оширишга таъсири очиб берилган (UN-habitat); инновациялар трансфери орқали шаҳарлар ва қишлоқлар инвестиция салоҳиятини оширишга эришиш йўллари аниқланган (Institute for International Urban Development – AQSH), шаҳарларда иктисодий ўсишни таъминлашда инновацияларни давлат томонидан рағбатлантириш усули аниқланган (Michigan University Center for Regional Economic Innovation – AQSH); шаҳарларни режалаштириш ва меъморий лойиҳалашга ёндашувлар асосида санатланган шаҳарларнинг "қисқариш" муаммолари тадқиқ этилиб, "қисқаришни бошқариш" субсати (rightsizing) бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган (MIT, Department of Urban Studies and Planning, AQSH); бўшаб қолган хулудлар ва уй-жойлардан вақтинчалик фойдаланиш бўйича таъсиқлар ишлаб чиқилган (University of Colorado, Planning and Design Faculty, Tufts University, Department of Urban and Environmental Policy and Planning, Kent State University, Cleveland Urban Design Collaborative, AQSH); мавжуд хулудий номутаносибликларнинг шаҳарлар иктисодий салоҳияти ва аҳолига таъсири баҳоланган (Centre for Regional Economic and Social Research – Буюк Британия); қайта тикланувчи энергия манбаларининг қишлоқ хулудлари салоҳиятига таъсири очиб берилган (Centre for Economic and Regional Studies – Венгрия).

Жаҳон амалиётида хулудларни барқарор иктисодий ривожлантириш соҳасида бир қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: инновациялар трансфери орқали хулудлар инвестиция салоҳиятини ошириш; инвестицияларга ишлаб чиқаришни оқилона бошқариш ва илмий қувишдан самарали фойдаланиш таъсирини баҳолаш; хулудларро иқтисомий-иктисодий тафотиқнинг миқтасида инвестиция салоҳиятига таъсирини тадқиқ этиш; муқобил замонавий энергия тизимларининг инвестиция салоҳиятидаги аҳамиятини баҳолаш; иктисодиётни рақамлантириш шароитида инвестицияларни оқилона бошқариш ва х.к. шулар жумласидандир.

¹ устувор шарҳ <https://unhabitat.org/>, устувор шарҳ <http://www.berlin-institut.org/>, <https://www.berlin-institut.org/>, <https://www.colostate.edu/>, <https://www.colorado.edu/> ва бошқа иш ушбу манбаълар асосида тайёрланган.

Муаммонини ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари мамлакатимизда урбанизация жараёларини ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Шаҳар манзилгоҳларида ишлаб чиқариш қушларини жойлаштириш ва ривожлантириш, шаҳарлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишининг назарий жихатлари хорижий олимлардан И.Тюнен¹, В.Кристаллер², А.Вебер³, А.Леш⁴, Дж.Форрестер⁵, У.Изард⁶, Ф.Перру⁷, П.Кругман⁸, Х.Р.Ласуэл⁹, Ян Гейл¹⁰, Р.Доманский¹¹, Н.Н.Баранский¹², Г.М.Ланго¹³, Ф.М.Листенбург¹⁴, В.Г.Давидович¹⁵, В.В.Покшишевский¹⁶, Т.Г.Нефёдова, П.М.Полян, А.И.Трейшн¹⁷, Ю.Г.Саушкин¹⁸, Н.Н.Колосовский¹⁹, А.Г.Гранберг²⁰ ва бошқаларнинг илмий ишларида атрафлича таҳлил қилинган.

Республикаимизда М.А.Абдуқалимов²¹, Т.М.Ахмедов²², Э.А.Ахмедов²³, О.Б.Ата-Мирзаев²⁴, З.М.Ахримова, Т.И.Раимов²⁵, А.Н.Зотов²⁶, Ш.Б.Имомов²⁷,

¹ Тюнен Н.Г. Целесообразное государство. М.: Экономическая жизнь, 1926. - XII, 326 с. Пер. Е.А.Тареев. Под ред. и с предисл. проф. А.А.Рыбикова

² Allen P.M., Sanglier M. Self-Organization and Decision-Making // Environment and Planning -1981. - Т. 13. - С. 167-183.

³ Вебер М. Теория рационального промышленного предприятия. Вебер // Экономическая мысль в ретроспективе = Economic Theory in Retrospect. - М.: Дело, 1994. - С. 578-580. - XVII, 627 с. - ISBN 5-86461-151-4.

⁴ Дунер В. А. Экономический ландшафт Англетта Лана. - Изкуство, 2006. - 32-34 с.

⁵ Форрестер Дж. Мирная эволюция = World Dynamics / Под ред. Д.М. Гавришова, Н.Н. Мансеева. - М.: АСТ, 2003. - 384 с.

⁶ Ишард У. Методы регионального анализа, анализа и поиска в поисках 1960 / Пер. с англ. В.М. Голыгина, Ю.Г. Липова, С.Н. Тегера. - М.: Прогресс, 1966. - 466 с.

⁷ Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. № 2. 2007.

⁸ Кругман Р. География и Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992.

⁹ Ласуэл Х.Р. Урбанизация и экономическое развитие: критическое взаимодействие между географическим и отраслевым кластерами // Пространственная экономика. - 2009. - № 3. - С. 106-124.

¹⁰ Ян Гейл. Москва развивается быстрее, чем Нью-Йорк и Лондон // Популярная экономика. - М.: Экспресс, 26.03.2016.

¹¹ Доманский Р. Устойчивость региональных систем в процессе экономической трансформации // Белорусский экономический журнал. - 1998. - № 4. - С. 97-108.

¹² Баранский Н.Н. Иные труды. Изучение проблемы географии. - М.: Мысль, 1980.

¹³ Ланго Г.М. Города России. Интеграл географа. - М.: Новый хронограф, 2012. - 304 с. - (Семьдесят лет просветлению)

¹⁴ Листенбург Ф.М. Прогнозно-целевое планирование систем населенных мест. - М.: Экономика, 1987. - 135 с.

¹⁵ Давидович В.Г. Планировка городов и районов. М., 1964.

¹⁶ Покшишевский В.В. География мирового процесса урбанизации. - М.: Прогрессиздат, 1981.

Ш.Х.Назаров², О.О.Олимжонов⁶, А.М.Соликов⁷, А.С.Солнев⁸, А.А.Каюмов⁹ ва бошқа олимлар шаҳарларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиш муаммоларига оид таҳлилот ишларини олиб борадилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда аҳоли пунктлари ривожланишининг худудий жиҳатлари профессор А.Солнев илмий мактаби тадавоқотчилари, хусусан, З.М.Абдалова¹⁰, А.Мамленова¹¹, Т.Н.Маллабоев¹², Р.И.Махаммадалиев¹³, У.С.Султонов¹⁴, С.К.Таштаева¹⁵, Х.Т.Турсунов¹⁶, М.М.Эгамбардиева¹⁷, С.Л.Янчук¹⁸, П.Р.Курбонов¹⁹, Ш.Б.Курбонов²⁰ каби олимлар томонидан атрафлича ўрганилган.

Таркибий ислохотларни чуқурлаштириш шартлида шаҳарсуломин ривожлантиришининг методологик ва услубий асослари, урбанизация жараёларини давлат томонидан тартибга солиш механизми, шаҳарларнинг ривожланиш даражасини комплекс баҳолаш муаммолари илмий адабиётларда етарлича ўрганилмаган. Муаллиф шаҳарлар ривожланиш муаммоларининг бarchа жиҳатларини қамраб олишга даъво қилмаган ҳолда, шаҳарлар иқтисодийнинг назарий-методологик базасини, чет мамлакатлар урбанизация сиёсати бўйича тажрибасини, мамлакатимиз шаҳарларининг иқтисодий-иқтисодий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш асосида ишлаб

¹ Ата-Мирзаев О.Б. и др. Историко-географические очерки урбанизации Узбекистана. Т.: Университет, 2002. - 125 с.

² Акрамов З.М., Раимов Т.И. Об экономико-географическом изучении городов Узбекистана // Научные труды ТашГУ. - Т., 1964. - С.5-35.

³ Зотов А. и др. Узбекистан шаҳарлари. Т.: Ўзбекистон, 1965. - 282 б.

⁴ Янчук Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. доктора экон. наук. Т., 1993.

⁵ Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ изучения конкурентоспособности регионов Узбекистана. Автореф. дисс. на соиск. степени кандидата экон. наук. - Т., 2016. - 48 с.

⁶ Олимжонов О.О. и др. Основные тенденции социально-экономического развития регионов // Экономика и статистика, 1998. - № 3. - С. 13-17.

⁷ Садылов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. - Т.: Истиклол-юнона, 2005. - 289 с.

⁸ Солнев А.С. на башка. Минтақавий иқтисодлар. - Т.: Университет, 2003. - 364 с.

⁹ Каюмов А.А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодлар. - Т.: Университет, 2004. - 112 б.

¹⁰ Абдалова З.М. Социально-экономические условия развития городских населенных пунктов Узбекистана: автореф. дисс. - канд. геогр. наук. - Т., 1995. - 19 с.

¹¹ Мамленова А. Чуқурлаштирилган шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (бухоро иқтисоди) Автореф. дисс. на соиск. степ. канд. геогр. наук. - Т., 2010.

¹² Мамленова А. Чуқурлаштирилган шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (бухоро иқтисоди) Автореф. дисс. на соиск. степ. канд. геогр. наук. - Т., 2010.

¹³ Маллабоев Т.Н. Большие города в системе расселения в Ферганской долине. Экономико-географическое исследование. Автореф. дисс. - канд. геогр. наук. - Т., 1982. - 22 с.

¹⁴ Махаммадалиев Р.И. Типичные черты расселения населения в Узбекистане // Экономический журнал. - Т., 1992. - 23 с.

¹⁵ Султонов У.С. Социально-экономическое развитие мелких и средних городов Ферганского экономического района Узбекистана. Автореф. дисс. - канд. экон. наук. - Т., 1993. - 19 с.

¹⁶ Турсунов Х.Т. Узбекистан шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари (Тошкент агломерацияси мисолида) Автореф. дисс. на соиск. степ. канд. геогр. наук. - Т., 2011.

¹⁷ Турсунов Х.Т. Социально-географические аспекты исследования экологической ситуации крупного города (на примере г. Ташкента) Автореф. дисс. - канд. геогр. наук. - Т., 1994. - 26 с.

¹⁸ Эгамбардиева М.М. Влияние экологической ситуации на развитие городов Узбекистана // Экономический журнал. - Т., 2012.

¹⁹ Янчук С.Л. Факторы формирования городов в условиях Узбекистана. Автореф. дисс. - канд. геогр. наук. - Т., 2002. - 23 с.

²⁰ Курбонов П.Р. Жилинча урбанизация жараёни ривожлантириш омили ва иқтисодий география асослари. Автореф. дисс. на соиск. степ. канд. геогр. наук. - Т., 2012.

²¹ Курбонов Ш.Б. Узбекистаннинг иқтисодий-география ривожлантириш асослари-география хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида) Автореф. дисс. на соиск. степ. канд. геогр. наук. - Т., 2017.

чиқариши ва ижтимоий соҳаларни ҳудудий ташкил этиш тамойиллари ва йўналишлари, шаҳарлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилиётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Прогнозлаштириш ва макромиктисодий тадқиқотлар институтининг ИТД-2, №А-2-143 «Ўзбекистон минтақаларининг иқтисодий ривожланиши ва рақобатдошлигини оширишнинг сценарий нармагларини прогнозлаштириш» (2015-2017 йй.), ИТД-2, №А-2-144 «Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва минтақалар иқтисодийгини диверсификациялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) илмий лойиҳалари ва бошқа йиллик иш режалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади урбанизация жараёنларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий ва амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагилар **тадқиқотнинг вазифалари** келиб белгиланди:

мамлакат барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлашда урбанизация жараёنларининг таъсирга баҳо бериш ва унинг аҳамиятини очиб бериш;

шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш жараёнида фойдаланиш учун урбанизация назарияларини ўрганиш ҳамда шу асосда урбанизация тушунчасининг муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини тартибга солишнинг конуний-ҳуқуқий ва институционал жиҳатларини баҳолаш, бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва урбанизация снѳсатини амалга оширишга оид ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дистрибулари ва аҳоли пунктларининг Бош режалари иқтисодий базасини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

йўлдош-шаҳарларни шакллантириш учун истиқболларини аниқлаш мақсадида аҳоли пунктларини қатловдан ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг аҳоли манзилгоҳларида саноат ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

истибқол даврида Ўзбекистонда шаҳарлар тўрнини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакат шаҳарларидаги демографик вазиятга баҳо бериш ва уларда аҳоли сонининг ўсиши бўйича прогноз ҳисоб-китобларини бажариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси аҳоли манзилгоҳларининг жойлашув тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва унда юзга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли ва стратегик таҳлил, илмий абстракция, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик умумлаштириш, гуруҳлаштириш ва такқослаш, амалий-қузғин таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг **илмий ынгилиги** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ривожланиш жараёнида функционал жиҳатдан ўзгариб турадиган, кичик ҳудудларда аҳоли зич жойлашган, бунд аҳолининг аксарият қисми саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритилган шаҳар манзилгоҳларининг кичик қишлоқ жойларга нисбатан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ставкаи мавқенин ҳисобга олган ҳолда урбанизация тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

хоқимият органлари бошқарув самардорлигини ошириш, бюджет маблағлари тежамкорлигига эришиш мақсадида турли тоифадаги шаҳарлар аҳолиси сонининг қуйи чегарасини ошириш орқали маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари, аҳоли пунктларига шаҳар/шаҳарча макomini бериш ҳамда уларнинг буйсуғуви бўйича макomini белгилашга оид мезонларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

аҳоли сони 500 кишидан кам, узок ва бериш юйини бўлган кичик қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан уларда фаолият юритяётган тадбиркорларни солиқлардан озод қилиш бўйича таклифлар асосланган;

ўрта истиқбол даврида туризм ва саноатта иқтисослашган, шунингдек “йўлдош-шаҳарлар” ташкил этишга устуверлик бериш асосида мамлакатдаги мавжуд шаҳарлар тўрнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар асосланган;

мамлакатда шаҳарлар тўрнини кенгайтириш ҳамда шаҳар аҳолиси саломатини 60 фошга етказиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шаҳарларининг демографик саломати бўйича 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

шаҳарлар ва туманлар саноат салоҳиятини ва инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастурлар тайёрлаш мақсадида услубий тавсиялар такомиллаштирилган;

аҳоли пунктлари Бош режалари иқтисодий базасини ишлаб чиқиш бўйича услубий таёйрланган;

Ўзбекистонда кичик шаҳарлар ва шаҳарчалар бошқарув тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

уй-жой қурилишида ва қўп қаватли уй-жойлардан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик тамойилларидан оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар асосланган;

Ўзбекистонда урбанизация жараёнини фаоллаштиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

саноат ва туризмга ихтисослашган моношарҳларни ривожлантириш бўйича тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли ҳуқуқ ва тақлифларнинг масъул таъкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шаҳарлар иқтисодий-иктисодий ривожланиш даражасини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришни тартибга солишни таъкиллий-иктисодий механизм таъсирчанлигини оширишга оид тақлифлардан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот натижаларидан: маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда;

илоҳида шаҳарлар иқтисодий-иктисодий ривожланишига оид дастурларни ишлаб чиқиш, шаҳарлар ривожланишини илмий прогност киши ва индиктив режалаштириш жараёнида;

иктисодий ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида, олий ўқув юртыда «Мингқавий иқтисодиёт», «Мингқашунослик», «Миллий иқтисодиёт», «Геурбанистика» курсларини ўқитиш жараёнида фойдаланишда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат томондан урбанизация жараёни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тақлифлар асосда:

ҳудудларни стратегик режалаштиришда мъл-мурий-ҳудудий тузилиш масалаларини, аҳоли пунктларига шаҳар/шаҳарча макомини бериш ҳамда уларнинг бўйсунуви бўйича макомини белгилашга оид мезонларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолиси Қонуничилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси фаолиятда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолиси Қонуничилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил "15" февралдаги 04/1-176-сон маълумотномаси).

урбанизация жараёнининг давлат томонидан самарали тартибга солинишини таъминлаш, ер участкаларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш ҳамда мамлакатда янги уй-жой сифатини амалга ошириш юзасидан тақлифлар "2030 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш концепцияси" лойиҳасининг "Урбанизация" бўлиминини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақолисининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қўмитатининг 2021 йил "3" сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарқиқот ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил "26" июлдаги 03/19-02-

иктисодий ривожланиш жараёнида функционал жиҳатдан ўзгариб турадиган, кичик ҳудудларда аҳоли зич жойлашган, банд аҳолининг аксарият қисми саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юриладиган шаҳар маъмулотларининг кичик жойларга нисбатан иқтисодий-иктисодий жиҳатдан етакчи мавқени ҳисобга олган ҳолда урбанизация тушуниқининг таърифи такомиллаштирилган ва 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида урбанизация концепцияси лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақолисининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қўмитатининг 2021 йил "3" сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарқиқот ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил "26" июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси).

"Йўлдош-шаҳарлар" ни шакллантириш, истиқболли аҳоли пунктларини аниқлаш мақсадида уларни хатлаовдан ўтказиш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлама нисбатга олинган. Хатлов натижаларига таъриб, Ўзбекистон Республикасидаги 7 та йirik шаҳарда аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг ортиқча жамланшинин олддини олиш мақсадида улар атирофдаги 12 та шаҳар маъмулотларини "Йўлдош-шаҳарлар"га айланттириш юзасидан тақлиф ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақолисининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қўмитатининг 2021 йил "3" сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарқиқот ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил "26" июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси);

ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва инфрақурилишнинг юқалтиришга оид дастурлар тайёрлаш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Хоразм ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурлари тўғрисидаги ҳуқуқат қарорларини ишлаб чиқилиш нисбатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақолисининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қўмитатининг 2021 йил "3" сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарқиқот ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил "26" июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси);

аҳоли сони кам, уюқ ва бориш қийин бўлган аҳоли маъмулотларидан хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш, жумладан уларга фаолият юригаётган тадбиркорларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича тақлиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақолисининг 2017 йил 31 майдаги "Жиззах вилоятда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва мисолларини ишлаб қуришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги 332-сон Қарорини ишлаб чиқилишда фойдаланилган. Унга кўра, Армасой,

Баҳмал, Фориш, Зафарбод, Зарбдор, Янгибод туманларида миний (сарпарошона, пойабзал, кийим-кечак, электр миний приборлар таймирлаш ва бошқалар) хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда катъий белгиланган солиқ тўлашдан озод қилинганлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Худудларини комплекс ривожлантириш, коммуналлашлар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қотибатиининг 2021 йил “3” сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлигининг 2021 йил “26” июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси), Натигажа 2020 йил 1 январь ҳолати 2,3 млрд. сўмдан ортиқ маблағ мазуур худудларда фаолият қиригаётган тадбиркорлар ихтиёрида қолдирилди;

Урта мудагги истиқбол учун Ўзбекистон шаҳарлар тизимининг демография соҳаияти бўйича прогноз ҳисоб-китоблари “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида урбанизация концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Худудларини комплекс ривожлантириш, коммуналлашлар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қотибатиининг 2021 йил “3” сентябрдаги 05/1-1079-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлигининг 2021 йил “26” июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси). Демография прогноз натижаларидан аҳоли пунктларини муҳандислик, транспорт ва иқтисомий инфратузилма масалалари билан таъминлаш, жисмоний ва юридик шаҳарлар учун турар жой ва нотурар жой биноларини қуриш, миграция жараёларини тартибга солишда фойдаланилмоқда.

Урта истиқбол даврида Ўзбекистонда шаҳарлар түрнин кенгайтириш, бунда шаҳарлар сонини ҳоизрғи 119 тадан 202 тага, шаҳарчалар сонини 1067 тадан 1226 тага етказиш, туризм ва саноатта ихтисослашган, шунингдек, йўлдош шаҳарлар ташкил этишга устуворлик бериш юзасидан тақлифлар 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида урбанизация концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлигининг 2021 йил “26” июлдаги 03/19-02-6/1-001-сон маълумотномаси). Натигажа Ўзбекистонда урбанизация бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди ҳамда шаҳарлар түрнин кенгайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Талқикот натижаларининг ипробацияси. Ушбу талқикот натижалари 24 та, жумладан 15 та халқаро ва 9 та республика илмий амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилди.

Талқикот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация маъуси бўйича жами 41 илмий иш, шу жумладан 2 та илмий монография, 1 та услубий-амалий қўлашма, Ўзбекистон Республикаси Олий Ағтестация Комиссиясен томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таис республика ва 3 таис хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузиллиши. Диссертация қириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 259 бетин ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЪМУУНИ

Қириш қисмида диссертация маъмуунининг долзарблиги ва зарурати асосланган, талқикотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметни шакллантирилган, республика фан ва теҳнологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, талқикотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари биён қилинган, олинган натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, талқикот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузиллиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Урбанизация жараёларини талқик этишининг илмий-назарий ва методология асослари**» деб номланган биринчи бобда урбанизациянинг жамият тараққиётда ва ихтисодий ўсишда тутган ўрни очиб берилган, урбанизация назоратлари таҳлил қилинган ҳамда урбанизация жараёларини талқик этишининг методология жихатлари ёрилган.

Шаҳарлар – ихтисодий ўсишининг муҳим манбаи бўлиб, бу ҳақда дастлаб 1969 йилда Ж. Жакобе ўз муносабатини билдирган ва шундан буюв у бир қатор талқикотлар орқали ўз тасдиғини топган.¹ Жумладан, Ж. Хендерсон томонидан амалга оширилган талқикот натижаларига кўра, 2000 йилда 38 та энг йirik шаҳар Европа Иттифоқи умумий майдонининг фақат 0,6 фонзини банд этигани ҳолда, уларда аҳолининг 25 фоизи ва ишлаб чиқарилган ЯИМнинг таъминан 30 фонзи жамланган. Японияда бешта префектураи ўз ичига олган Марказий минтақа 1998 йилда мамлакат худудининг атиғи 5,2 фонзини эгаллаган, шунга қарамаддан бу ерда 33% аҳоли ихтикомит қилган ва ЯИМнинг 42% ишлаб чиқарилган. АКШда 1997 йилда 53% аҳоли 40 та энг йirik шаҳарларда яшаган.²

Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича амалга оширилган талқикот натижалари шунини кўрсатилдики, бу ерда ўртача агломерация самараси ИХРТ мамлакатларига нисбатан юқори. 1992-2003 йиллар мобайнида Венгрия қорхоналари маълумотлари асосида талқикот олиб борган Г. Бэйкс шаҳар қўламининг икки марта ўсиши туфайли ишлаб чиқариш омилиларининг улуғдорлиги 16% га ошди, деган хулосага келди.³ Бу кўрсаткич С.Розенталъ ва У.Стрэндиж талқикотлари натижаларига қараганда 2 марта юқори. Европа

¹ Jacobs J. The Economy of Cities – N. Y.: Vanage, 1969. – 288 p.

² Henderson J., Nijkamp P., Thize J. et al. // Handbook of Regional and Urban Economics – North Holland, 2004.

³ Bekes G., Hatanoston P. Agglomeration premium and trading activity of firms. CePR Working Papers, 2010.

хулуида 1980-2003 йилларда аҳоли зичлигининг меҳнат унумдорлиги ўсишидаги ҳиссаси доимо ўсиб борган ва бу асосан Шарқий Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган.¹

Урбанизация (*urban* – шаҳар) – жамият тарихидаги шаҳарлар, шаҳар маданияти ва “шаҳар муносабатлари” ролининг ортга бориши, қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳар аҳолисининг кўпайишидир.² Айрим мутахассислар (О.А. Константинов, Ф.М. Листенгурт ва б.) урбанизация икки хил маънода асосий урбанизация кўрсаткичи – шаҳар аҳолиси салмоғидир.³ У урбанизациянинг яна бир муҳим кўрсаткичи сифатида “турилича катталиқдаги шаҳар манзилгоҳлари ўртасида шаҳар аҳолисининг тақсимоти” деб ҳисоблайди: бирок шаҳарларда аҳоли қанча кўп жамланса, уларнинг мамлакат иқтисодий, маданий ва сўбсий ҳаётига таъсири ҳам шунча юқори бўлади. Урбанизация таъқат шаҳарликларнинг мамлакат аҳолиси сонига нисбати, балки бирок шаҳарларда истиқомат қилувчилар улуши билан (жамин мамлакат аҳолисига ёки жамин шаҳар аҳолисига нисбатан) ҳам ўлчанади. Ф.М. Листенгурт шаҳарликлар улушини урбанизация даражасининг “биринчи кўрсаткичи” ва бирок шаҳарларда яшовчилар улушини (100 минг ва ундан ортиқ аҳоли) эса “иккинчи кўрсаткич” деб атайди.

Айни пайтда, урбанизация тушунчаси бўйича ягона таъриф мавжуд эмас. Ушбу тушунча бўйича турли мутахассисларнинг қарашлари 1-жадвалда ўз аксини топган.

Амалда оширилган таҳлил натижаларини Ўзбекистонда аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиш қонуниятлари билан солиштирсак, айрим ўзига ҳосликларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, мамлакатимизда шаҳарлар қишлоқ жойларга нисбатан етакчи мавқенинг эгаллаши билан тавсифланади. Шунга асосланиб, биз малкур тушунчага қуйидагича таъриф бериш мақсада мунофик деб ҳисоблаймиз: “Урбанизация – иқтисодий ривожланиш жараёнида функционал жихатдан ўзлариб турадиган, қичик хулулларда аҳоли зич жойланган, балд аҳолининг аксарият қисми сивоат ва хизмат кўрсатиши соҳаларда фаолият юритиладиган шаҳар манзилгоҳларининг қишлоқ жойларга нисбатан иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан етакчи мавқенинг эгаллашидир”.

Ҳозирги пайтда урбанизация жараёнига бевосита қўллаш мумкин бўлган назарий таълимотларини ўрганиш ниҳоятда зарур. Бизнинг фикримизча, бундай шаҳарий қарашлар орасида “даража-ўлчам қондаси” деб аталувчи Зинф қонуни ҳамда Рейлининг гравитацион модели муҳим аҳамият касб этади.

¹ Brubaker M., Mathys N. Sectoral agglomeration economies in a panel of european regions // Regional Science and Urban Economics – 2008 – V. 38, No. 4 – P. 348–362.
² <http://ru.wikipedia.org/wiki/Урбанизация>

1-жадвал
Турли мутахассислар томонидан урбанизация тушунчаси бўйича келтирилган таърифлар*

№	Оширишни Ф.И.О	Урбанизация таърифи
1	Константинов О.А., Листенгурт Ф.М.	Урбанизация даражасини “биринчи кўрсаткич” ишқарилар улуши, “иккинчи кўрсаткич” эса (100 минг ва ундан ортиқ аҳолини иккига) бирок шаҳарда яшайдиган аҳоли улуши сифатида шайб бўлади
2	Павлов Ю.Д.	Урбанизация – шаҳарлар аҳолисининг ортининг, яъний тарихийда шаҳар турмуш тарзи ва маданиятининг юксалишига бешташмаи тартибий жараёндир.
3	Ломоносов В.М.	Урбанизация жамият тарихининг тарихий босқичи бўлиб, у шаҳар мамлакатларининг иқтисодий шаклланиши жараёни сифатида тавсифланади, унинг асосий ҳусусини эса қишлоқ хулулида кўп ишқарилар юксалишига жамланувчилар.
4	Перчик Е.П.	Урбанизация – шаҳарлар ролининг ортининг бешташ кўп еттирилган шакл жараёни бўлиб, унда шаҳар турмуш тарзининг тарихийда шайб бўлидиган ишқаб чигирини қўчириши жамлануви ва истиқомат муҳитининг юксори ярашади.
5	Литвиненкова Н.А.	Шаҳарлар соҳилари ўзининг, уларда яшайдиган аҳоли турмушининг қўйилиши, улардаги иқтисодий фаолиятнинг жамланувши ҳамда шаҳар тарихийларининг мураккаблиги.
6	Савина В.В., Яшина Ю.Л.	Урбанизация – бу барои юксалиши фаолият турмушининг жамлануви билан барди, шаҳарлар ва шаҳарга турмуш тарзини ўзгариб бериши жараёнидир.
7	Сынгин Ю.А.	Урбанизацияниг функция қишлоқни турмуш, у ишқабдан қич сонинг аҳолини турмушларига иқсон фаолиятининг хулули жамлануви билан шайб барди ва ишқаб жойларга нисбатан юксалиши-иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг юксори ярашади билан ярашади турмуш.
8	Харин Д.	Урбанизация – бу сивоат ишқаб юксалиши шайб ривожланиши турфади қишлоқ аҳолиси ва ишқабдан кўп ярашадиган хулули муҳитидир.
9	Машаев Я.Г.	Урбанизация – шаҳар мамлакатлари сонинг, соҳилари ва мамлакатини ўзининг, турмуш ишқабига ва қўйилган шаҳарлар ривожланишининг, шаҳар марказларини турмуш ва хулули кўп турмушларининг шаклланишига ўлчанади.
10	Мейергайт Н.М., Липов Г.М.	Урбанизация – ўзига хос иқтисодий муҳит барди бўлиши жараёни, бирок шаҳарлар ва шаҳар эгачилари билан шайб ишқаб иқтисодий ривожланишининг асосий омиди.
11	Ковалева С.О., Ковальская Н.Я.	Шаҳар мамлакатларининг ўзининг ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ шайб жамият ҳаётининг барди соҳиларининг қичиб оғли ағли турмуш жараёндир шайб.
	Мушарифин таърифи	Урбанизация – юксалиши ривожланиши жараёнида функционал жиҳатдан ривожланувчи, яъний даражада аҳоли зич жойланган, балд аҳолининг аксарияти аҳоли соҳилари ва қишлоқ юксалиши соҳиларининг функционал ярашади билан шаҳар мамлакатларининг аҳоли жойларга нисбатан иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан етакчи мавқенинг эгаллашидир.

* Жадвал маълумотлари мушариф томонидан тавсифланган.

¹ Павлов Ю.Д. Основы геоурбанизма. Москва: ИЛА/ИЭС, 1999. – 232 с.

² Ломоносов В.М. Урбанизация как глобальный процесс современности: сессия «История и география // Доклады конференции – 2004 об. сессии». – Москва, 2004. – С. 54–60

³ Перчик Е.П. Геоурбанизация. Москва: Академия, 2009. – 432 с.

⁴ Литвиненкова Н.А. Эволюция городской среды: урбанизология // Вестник: Изд-во Института государственной политики им. П.М. Маширова, 2005. – 163 с.

⁵ Сынгин Ю.А. Эволюция и охрана природы Самары-Саратовина. Изд. ред. А. Л. Яшина. – Москва: Академия, 2000. – 384 с.

⁶ Сынгин Ю.А. Территориальная организация населения: Учебное пособие для вузов / Ю.А. Сынгин. – Москва: Дашков и К, 2007. – С. 236 с.

⁷ Harvey D. The Urbanization of Capital: Studies in the History and Theory of Capitalist Urbanization. Oxford: Basil Blackwell, 1985. 86.

⁸ Машаев Я.Г. Урбанизация и территориальная структура хозяйства развивающихся стран. – Москва: ВНИИПИ, 1985. – С. 79.

⁹ Мейергайт Н.М., Липов Г.М. География и урбанизация // Вопросы географии. – Москва, 1974. – С. 14–15.

¹⁰ Ковалева С.А., Ковальская Н.А. География населения СССР. – Москва: Изд-во МГУ, 1980. – 285 с.

Турилик микёсдаги шаҳарларнинг нисбати одатда Зипф қонуни деб аталган қонуниятга асосланади. Унга кўра, муайян шаҳар аҳолисининг сонини мамлакатдаги энг йirik шаҳар аҳолиси сонининг n қисминини ташкил этади. Бунда энг йirik шаҳар аҳолиси мамлакат аҳолиси сонини ва унинг урбанизация даражасига боғлиқ. Фариз қилямат, мамлакатдаги энг йirik шаҳар аҳолиси 1 миллион киши бўлса, иккинчи ўринини эгаллаган шаҳар 500 минг, учинчи шаҳар – 333 минг, тўртинчиси – 250 минг киши ва х.к. бўлиши керак. Табиийки, айрим ҳолларда Зипф қонуни қуятилмайди ва бу ҳолат мамлакатда шаҳар тармоқлари яқинлиги тизими шаклланимаганини аниқлатади. Жумладан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда энг йirik шаҳар одатда бошқа шаҳарлардан кескин ажралиб туради. Аммо шаҳарлар жойлашуви тизими ривожланган сарин, бундай тафовут кичиклашиб боради.

